

6/2024,  
noyabr-  
dekabr  
(№ 00074)



## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Исмаилов Алишер Агзамович**

*Иқтисодиёт фанлари доктори. Доцент. Банк иши кафедраси профессори.*

**Email:** [alisher\\_bankir\\_595@mail.ru](mailto:alisher_bankir_595@mail.ru)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss6/605](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss6/605)

### Аннотация

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини барқарор ривожланишини таъминлаш бевосита уларни молиялаштириш амалиётини такомиллашганлигига боғлиқ. Хусусан, молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш имконини беради. Мақолада тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик, молиялаштириш, ўз маблағлари, кредит, имтиёзли кредит, венчур, бонификация, фоиз ставкаси.

**Исмаилов Алишер Агзамович**

*Доктор экономических наук. Доцент. Профессор кафедры банковского дела.*

### Аннотация

Обеспечение устойчивого развития деятельности субъектов предпринимательства напрямую зависит от совершенствования их практики финансирования. В частности, совершенствование практики финансирования позволяет обеспечить непрерывность производственной деятельности субъектов хозяйствования. В статье разработаны научные предложения, направленные на совершенствование практики финансирования субъектов предпринимательства.

**Ключевые слова:** предпринимательство, финансирование, собственные средства, кредит, льготный кредит, венчурный капитал, бонус, процентная ставка.

**A.A.Ismailov Doctor of Economic Sciences.**

*Associate Professor Professor of the Department of Banking.*

### Abstract

Ensuring stable development of the activities of business entities directly depends on improving the practice of financing their activities. Thus, improving financing practices makes it possible to ensure uninterrupted production activities of business entities. The article develops scientific proposals aimed at improving the practice of financing business entities.

**Key words:** entrepreneurship, financing, own funds, loan, preferential loan, venture, bonification, interest rate.

## **Кириш**

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик субъектларининг доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш, 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкласини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

## **Мавзуга оид бўлган адабиётлар шарҳи.**

О.Ястребова ва А.Субботинларнинг хулосасига кўра, қишлоқ хўжалигида фаолият юрпитаётган тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги ва тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги уларнинг кредит муассасаларининг молиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади [2].

Р.Щенин томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари кўрсатади, Европа Иттифоқида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини давлат томонидан харид қилиш тизимида муаммолар юзага келмоқда. Ана шундай муаммолардан бири Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ) томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини эркинлаштиришга нисбатан қўйилган талаблар билан боғлиқдир. Маълумки, ХСТ томонидан 1995 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосини эркинлаштириш дастури амалга оширилмоқда. Ушбу дастур қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасини қисқартириш, экспортни субсидиялашни қисқартириш, барча нотаъриф воситаларни таърифли воситалар билан алмаштиришни кўзда тутди [3].

А.Стахнюкнинг фикрича, кичик тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар қуйидагилардан иборатдир:

- кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмини етарли даражада ривожланмаганлиги;
- гаров объектлари сифатининг паст эканлиги;
- миқдорнинг ошқора эмаслиги (“хуфёна” даромадлар даражасининг юқори эканлиги; миқдорнинг молиявий ҳолатини, унинг кредит тўловига лаёқатлилигини объектив баҳолаш учун зарур бўлган ишончли манбаларнинг етарли эмаслиги; жорий ҳисобрақамлар бўйича айланмаларнинг мавжуд эмаслиги; тушумнинг асосий оқимларини нақд пулларда ўтаётганлиги ва бошқ.);
- иқтисодий (молиявий) билимларнинг етарли эмаслиги (бизнес-режаларнинг сифатини паст эканлиги; кредитлаш мақсадлари, банк маҳсулотларининг моҳиятини аниқ тушунишнинг, банк билан ишлаш тажрибасининг мавжуд эмаслиги; бухгалтерия ҳисобини юритишнинг тўлиқ эмаслиги ва бошқ.);
- иқтисодиётнинг реал секторидаги бир йилдан ортиқ муддатдаги инвестициялар учун зарур бўлган ресурсларнинг, айниқса, арзон ва узоқ муддатли ресурсларнинг етарли эмаслиги;

– кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги банкларга юқори рискли битимларни молиялаштириш имконини бермаётганлиги [4].

Нобель мукофотининг соҳиби М.Юнуснинг фикрига кўра, энди иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши керак., тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлишади [5].

Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуа амалга оширган илмий тадқиқотнинг натижаси кўрсатадики, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларининг яхши йўлга қўйилиши уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади. Чунки, йирик корхоналар кичик ва ўрта корхоналар билан ишбилармонлик муносабатларига киришишдан олдин уларнинг бозор талабларига жавоб бера олишини таҳлил қилади [6].

И.Рахмоновнинг хулосасига кўра, мамлакат тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида республика Марказий банкининг тижорат банкларининг бир йилгача муддатга жалб қилинган муддатли депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларини 50 фоизга пасайтириш ва микромолиялаш ташкилотларининг тижорат банкларидаги муддатли депозитларини Марказий банкнинг мажбурий захира талабномасидан озод қилиш йўли билан тижорат банкларининг ресурс базасини мустақамлаш ва шу орқали банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микролизинг ва микрокредит хизматлари ҳажмини ошириш лозим [7].

И. Алимардоновнинг фикрига кўра, молиявий коэффициентлар таркибига қўшимча равишда фойда меъёри коэффициентларини, қарзга хизмат кўрсатиш коэффициенти ва кредитор қарздорликнинг айланиш коэффициенти кириштириш йўли билан кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлаш методикасини такомиллаштириш зарур [8].

#### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сонли “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Бизнесни ривожлантириш банкига кичик тадбиркорлик субъектларини ўрганишдан бошлаб молиялаштириш ва ишлаб чиқаришни барқарор йўлга қўйгунга қадар бўлган жараёнда моддий ва техник қўллаб-қувватлашни амалга ошириш, ижобий кредит тарихига эга кичик тадбиркорлик субъектларига содалаштирилган кредитлаш тизимини жорий қилаиш, «бизнес ипотекаси» амалиётини жорий қилиш ва ҳудудларнинг мастер-режасини ишлаб чиқиб, коммуникация ва инфратузилмага уланган объектларни ипотекага бериш кўзда тутилган [9].


Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаолияти<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.
Асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажми, трлн. сўм	12,6	23,1	26,0	30,3	32,0
Кичик бизнес субъектлари томонидан асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг республика бўйича асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	38,6	59,5	61,9	56,1	56,5

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2019-2023 йилларда республикада кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, уларнинг инвестицион фаоллигини ошиб бораётганлигини кўрсатади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, кичик бизнес субъектлари томонидан асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг республика бўйича асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 2023 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобланади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар, млрд. сўм<sup>2</sup>


<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Статистик агентлигининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

<sup>2</sup> Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

1-расм маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомига эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига ва яқка тартибдаги тадбиркорларга 2021-2023 йилларда тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомига эга бўлган кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг миқдори ҳам, яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитларнинг миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Қайд этиш жоизки, кичик тадбиркорлик субъектларининг тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш бевосита кредитларнинг баҳосига, яъни фоиз ставкасига боғлиқ. Ўз навбатида, кредитларнинг фоиз ставкаси инфляция даражасига ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг даражасига боғлиқ. Афсуски, сўнгги йилларда инфляция даражасини республикада нисбатан юқори эканлиги кузатилмоқда. Масалан, 2023 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 8,8 фоизни ташкил этди [10].

Инфляция даражасини нисбатан юқори эканлиги мамлакат Марказий банкига қайта молиялаш ставкасини пасайтириш имконини бермаяпти.



**2-расм. Ўзбекистон банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %<sup>3</sup>**

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Ўзбекистон банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2021-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Тадқиқот жараёнида тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

\*қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги ва тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги уларнинг кредит муассасаларининг молиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади;

<sup>3</sup>Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий статистик маълумотлари асосда тузилган.

\*кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларининг яхши йўлга қўйилиши уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади;

\*2019-2023 йилларда республикамизда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг ҳажмини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги уларнинг инвестицион фаоллигини ошиб бораётганлигини кўрсатади;

\* кичик бизнес субъектлари томонидан асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг республика бўйича асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 2023 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган;

\*мамлакат тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомига эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига ва яқка тартибдаги тадбиркорларга 2021-2023 йилларда тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомига эга бўлган кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг миқдори ҳам, яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитларнинг миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган;

\*республикамизда нисбатан юқори эканлиги кузатилмоқда, бу эса, мамлакат Марказий банкига қайта молиялаш ставкасини пасайтириш имконини бермаяпти;

\*республика банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2021-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган.

Фикримизча, тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Ёпиқ инвестицион фондлар ташкил этиш йўли билан венчурли молиялаштиришни ривожлантириш учун, биринчидан, ушбу фондлар биржада рўйхатга олинмаган корхоналар акцияларини олиши керак; иккинчидан, фонд маблағлари давлат облигациялари ва бошқа ёпиқ фондлар акцияларига сарфланмаслиги керак; учинчидан, давлат томонидан ҳар йили махсус фондларга молиявий ёрдам кўрсатилиши лозим. Чунки, венчурли молиялаштириш инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

2. Тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини ошириш учун, биринчидан, давлат томонидан кичик бизнес субъектларининг маҳсулотларини экспорт қилиш билан боғлиқ харажатларини бевосита ва билвосита субсидиялаш керак; иккинчидан, давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг фоиз ставкаларини бонификация қилиш усулидан фойдаланиш кўламсини кенгайтириш лозим.

Фикримизча, бонификация усули қуйидаги афзалликларга эга:

\* тижорат банклари учун кредит rischi пасаяди, чунки, фоиз ставкалари ўртасидаги фарқни тижорат банкларига давлат тўлаб беради;

\* кичик тадбиркорлик субъекти учун кредит бўйича тўлов оғирлиги камаяди;

\* давлат кичик тадбиркорлик субъектларининг кредитлардан фойдаланиш даражасини оширишга кўмаклашади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Ястребова О., Субботин А. Рынок сельскохозяйственного кредита//Вопросы экономики. – Москва, 2005. – №6. – С. 85.
3. Щенин Р. Экономика Европейского Союза. – М. Дело, 2013 – С. 137.
4. Стахнюк А.В. Малый бизнес: проблема доступности кредитов//Деньги и кредит. – Москва, 2010. - №3. - С. 25-26.
5. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.
6. Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.
7. Рахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – Б. 16.
8. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд.эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 28.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сонли Қарори. Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.09.2023 й., 07/23/306/0706-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисобот//www.cbu.uz.